



05.10.2022 даги

Вобкент Бунёдкор Таъмир МЧЖ ва Вобкент туман ХТБ ўртасида 249900000,00 сўм умумий суммага тузилган 180 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 075
 Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860062127092100075048

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
	4232200			Жами
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь	249 900 000,00			249 900 000,00
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	249 900 000,00			249 900 000,00

Жами 249900000,00 сўм

Икки юз кирк туккиз миллион туккиз юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 749700000 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан _____% ***2022й __октябр__ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада такдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.Ў.

Фармонов Муродулло Суннатуллоевич

(имзо)

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

Шукуров Хуснуддин Уктамович

(имзо)

Ф.И.Ш.

PUDRAT SHARTNOMASI

05.10.2022

№ 180

Вобкент. Т

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Вобкент Халк таълими бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи директор М.Фармонов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган VOBKENT BUNYODKOR TA MIR МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи томондан Б.Аслоновга Вобкент ХТБ карашли 30-сон мактабнинг биносини жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

“ижро ҳужжатлари”:- натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ўшбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ўскуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ўскуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

“қурилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”:- сифати ва яқулигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига умумий суммаси 249900000 сумни ташкил этади (Икки юз кирк тўққиз миллион тўққиз юз минг) сумлик ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил “30” сентябрдаги “2154528” сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда умумий суммаси 249900000 сумни ташкил этиб 2022 йил октябр ойида 30% 74970000 сумма аванс тўлови амалга оширилиши лозим.

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда:

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “3” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камда 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- “2” иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмунини, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўн бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга кирилади;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдоридан, аванс ўтказилади, бу 60195234 (Олтмиш миллион бир юз тўқсан беш минг икки юз ўттиз тўрт) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 30% гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги ўзил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдоридан, амалга оширилади;

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодиқий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига

эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

УШ. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бугун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишини ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонуи ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жароёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча ўлашни ва ўлаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни ўлашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейинги ва кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг сўбпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўнайгирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишининг кечикиши оқибагида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шۇ жумладан йўл участкалари ва йўлакларини суғуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган сиповлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эгтирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтариди ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 90 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришини;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 3 ой этиб белгиланади. Объект томонининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кўчга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш метёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати насайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳўжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳўжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳўжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳўқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳўжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,2 % миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош торган сумманинг 3 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳуқуқсиз асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 5 фоизи миқдоридан ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рўхсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир ўчинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ҳолими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;
бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.
Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига
кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон (давлат органи ёки тақшлотининг номи) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупсияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

- коррупсия ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони;
- Телеграм-канал
- (давлат органи ёки тақшлотининг номи) расмий веб-сайтида жойлаштирилган
- шакл ёки электрон почта.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

<u>Пудратчи</u>	<u>«МИЖОЗ»</u>
<u>VOBKENT BUNYODKOR TA MIR MЧЖ</u>	
<u>Манзил: Вобкент туман</u>	<u>Вобкент ХТБ</u>
<u>х/р 20208000004807425001</u>	<u>Телефон рақами: 33-21-863</u>
<u>Банк номи: Бух туман Кишлоққурилиш банк</u>	<u>ш/хв: 1000228600621270921000750048</u>
<u>МФО Банк коди: 01037</u>	<u>Банк ном Тошкент Марказий банк</u>
<u>ИНН: 301360976 ОКОНХ:</u>	<u>МФО 00014 ИНН 201408275</u>
	<u>ОКОНХ 92310</u>
	<u>М/хв 23402000300100001010</u>
	<u>Ғазначилиқ бўлим номи: Вобкент тумани</u>
	<u>Ғазначилиқ булинмаси</u>



(Ф.И.Ш.)

Рахбар



М.Фармонов

Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarni qonun hujjatlariga muvofiqligi to'g'risida huquqiy xulosa

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Vobkent tuman Xalq ta'limi bo'limi va Vobkent Bunyodkor ta'mir MCHJ o'rtasida tuzilgan 249.900.000 so'mlik 30-son maktab binosini joriy ta'mirlash to'g'risidagi shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Mazkur shartnoma Vobkent tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 04-oktabr markazga taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti
04.10.2022 yil.



B.G'aybullayev